

**ЖИГАР ЭХИНОКОККОЗИДАГИ ЖАРРОҲЛИК АМАЛИЁТИ ОЛДИ
ТАЙЁРГАРЛИГИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ.**

Хайитов Илхом Баходирович

Тошкент тиббиёт академияси.

Бабажонов Ахмаджон Баходирович

Тошкент тиббиёт академияси.

Замонавий жарроҳликда энг баҳсли масалалардан бири бўлиб, энг юқори жарроҳлик аралашуви ҳавфига эга бўлган bemorlar гуруҳидаги жарроҳлик амалиётидан кейинги турли асоратларни ривожланиш эҳтимоллигини пасайтириш муаммоси бўлиб қолмоқда.

Бу тоифага энг аввало юрак қон -томир ва нафас тизимларининг йўлдош патологиялари киради. Аксарият бундай ҳолатларда жарроҳлик амалиёти билан даволаш хам хажм бўйича ва хам анестезиологик ҳавф бўйича чегараланади, шунингдек бунда жарроҳлик амалиётидан кейинги асоратлар хавфини мос холда ортиши ва жарроҳлик амалиёти жароҳатларини ортиш тури бўйича эстетик масалалар иккинчи ўринга чиқади.

Ўз навбатида замонавий жарроҳликни ривожлантириш тенденцияси кўпинча нафақат жарроҳлик амалиётидан кейинги асоратларни камайтиришга, балки қониқарли косметик натижага эришишга ҳам қаратилгандир, чунки абдоминал жарроҳлик амалиёти ҳолатларини ўз ичига олган эстетик самара bemorlarning ҳаёт сифатига бевосита таъсир этиб ва юқори ижтимоий аҳамиятга эга бўлиб, бевосита қизиқиш зонасида қолмоқда. Юқоридагилардан келиб чиқиб, ушбу диссертацион ишда нафақат ЖЭ натижаларини яхшилашга, балки қориннинг олд девори табиий ҳолатини сақлаб қолишига бўлган уринишлар кўзда тутилган.

Даволаш натижаларини яхшилаш асосини маҳсус ва номаҳсус асоратларни, шунингдек патологияни қайталанишини камайтиришга қаратилган, ЖЭни даволашни жарроҳлик дифференциал тактикаси ва таклиф этилган жарроҳлик амалиёти олди тайёргарлик тактик алгоритм ташкил этади.

Жарроҳлик амалиёти олди тайёргарлик сифатининг ўта мухим ҳолатларидан бири бўлиб, жарроҳлик амалиёти аралашувининг якунини белгиланиши ҳисобланади. Классик вариантда жигар эхинококкэктомиясини ўтказишга bemorlarни жарроҳлик амалиёти олди тайёргарлиги ўз ичига қуидагиларни олади: тўлиқ амбулатор текшириш, кейинчалик уларни корекция қилиш билан бирга йўлдош терапевтик касалликларни аниқланиши, эхинококкэктомия билан бир вақтда олиб ташлашни талаб этадиган йўлдош жарроҳлик патологияларини аниқланиши, меъда-ичак тизимини тайёрлаш, ўпка-юрак тизими ҳолатини баҳолаш шулар жумласидандир. Жарроҳлик амалиёти олди тайёргарлигига бўлган бундай ёндошувнинг манфий томони

бўлиб, фақат йўлдош касалликларни аниқланган бевосита асоратларини режали коррекциялаш ва организмнинг жорий ҳолатини баҳолаш ҳисобланади. Беморларнинг кўрсатилган тоифаси жарроҳлик аралашувини бажаришнинг юқори хавф гуруҳига таълуқлидир. Бу нафас ва қон айланиш тизимларида йўлдош касалликларни мавжудлиги билан боғлиқдир.

Жигар эхинококзозли(ЖЭ) bemорларни даволаш натижаларини яхшилаш учун жарроҳлик амалиётидан кейинги асоратларни олдини олиш бўйича сифатли дастурларни шакллантиришда маълум концепция талаб этилади. Яна шуни ҳам таъкидлаб ўтиш зарурки, нохуш якуний фонга эга бўлган шахслар сони қўпчиликни ташкил этади, бу эса жарроҳлик йўли билан даволашнинг тактик-техник жиҳатларига қиёсий ёндошув заруриятини таъкидлаб ўтади.

Организмнинг функционал заҳираларини баҳолаш учун барча bemорларда ТНФ текширилди. Бунинг учун умум қабул қилинган усуслар бўйича ташки нафаснинг қуйидаги кўрсаткичлари ўрганилди: Штангे синамаси, нафас сони (НС), нафас хажми (НХ), нафаснинг дақиқали хажми (НДХ), ўпканинг тириклик сиғими (ЎТС), ўпканинг максимал вентиляцияси (ЎМВ), мажбурий нафас чиқариш ҳажми (МНЧХ). Даволашгача ва стандарт тайёргарлиқдан кейинги 10-15 сутка ўтиб асосий гуруҳнинг ЖЭли bemорларида ТНФ кўрсаткичлари 4.1 жадвалда келтирилган. ТНФнинг асосий параметрлари бўйича жарроҳлик амалиётига bemорларнинг тайёргарлигини баҳолашда қуйидаги ўзига хосликлар қайд этилди. Даволаш фонида кўрсаткичларнинг ишончли ўзгариши билан яхши динамика қайд этилди, бироқ умуман олганда барча параметрларнинг ўртacha белгилари қабул қилинган меъёрлардан – 62,2% холларда паст бўлган бўлса, ЎТС эса - 70% ҳолатларда меъёрда бўлди. Нафас бузилишларини коррекция қилиш билан bemорларни стандарт мажмуавий тайёрлаш ва дозалаштирилган бандажлаштириш нафас тизимининг компенсатор имкониятларини пасайиш сонини қисқартиришга имкон беради. Ўз навбатида ҚИБдаги динамик ўзгаришлар кўрсатдики, жарроҳлик амалиётига bemорларни тайёрлаш учун бандажлаштириш, бу кўрсаткични сезиларли оширади, бунда дозалаштирилган компрессия (ўртacha 10 суткада) тайёргарликнинг стандарт муддатларида ЖЭ катта хажмларида ҚИБни ишончли пасайтиришга имкон беради. Дозалаштирилган абдоминал компрессия фонида нафас тизимининг заҳира имкониятларини аниқлаш билан жарроҳлик амалиёти олди тайёргарлигини таклиф этилган схемаси жарроҳлик аралашувининг потенциал хавф гуруҳини аниқлашга ва мажмуавий тайёргарликни 90,5%га узайтирилгандан кейинги (244 дан 15 ҳолат) да бандажирлаш фонидаги ҚИБ кўрсаткичларини ишончли пасайтириш билан бирга нафас бузилишларининг регрессиясига эришишга имкон беради.

Нафас тизимини баҳолашга ўхшашлиги бўйича режалаштирилаётган жарроҳлик амалиётини ҳисобга олиш билан юрак қон –томир тизимининг заҳира имкониятларини баҳолашни таклиф этилган усусларини келтириб ўтамиз (DGU

№ 21540 «Жарроҳлик амалиётига тайёрлашда юрак етишмовчилиги билан оғриган жигар эхинококкозли bemorlarining юрак қон – томир тизимини баҳолаш» 11.01.2023. Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги). Таклиф этилган усулнинг ўзига хос хусусияти бўлиб юрак қон – томир тизимида патологиянинг мавжудлик фактини эмас, балки жарроҳлик амалиётининг юқори хавфи бўлган bemorlar гуруҳида жарроҳлик амалиётидан кейинги асоратлар сонини пасайтириш учун айнан заҳира имкониятларининг таҳлили ҳисобланади.